Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 171 (4866).
31 ИЮЛЬ 1982 й.
ШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 30 июль куни Қримда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида дам олаётган ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан учрашди.

Л. И. Брежнев билан Г. Гусак кейинги вақтларда турли соҳаларда, шу жумладан экономика соҳасида иккала мамлакат ўртасида тузилган аҳдлашувлар ва битимлар қандай амалга оширилаётганлигини муҳокама қилдилар, актуал ташқи сиёсий масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Л. И. Брежнев билан Г. Гусак ўртоқларнинг учрашуви самимий, қардошларча вазиятда ўтди ва фикрларнинг тўла бирлиги қайд этилди.

◆ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Гайана Халқ прогрессив партияси XXI съездига йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган.

◆ Учишни бошқариш маркази хабар беради: «Салют—7» орбитал станциясининг экипажи 78 суткадан бери космосда парвоз қилмоқда. Белгиланган учиш программасига мувофиқ космонавтлар Анатолий Березовой ва Валентин Лебедев кеча очиқ космосга чиқдилар.

ПАРТИЯ ЖАНГЧИСИГА БАҒИШЛАНДИ

Октябрь революциясининг актив қатнашчиси, кўзга кўринган партия ва хўжалик арбоби Михаил Прокофьевич Кафанов туғилган кунга 100 йил тўлди.

М. П. Кафанов 1917 йилда КПСС аъзолигига қабул қилинган эди. У Совет ҳокимияти учун курашда актив қатнашди, йирик партия, совет ходими бўлиб етишди. Туркистон Компартияси Марказий Контроль Комиссиясининг дастлабки аъзолари ва раҳбарларидан бири эди.

М. П. Кафанов партия идеалларига чексиз садоқатли, ғоят ҳалоллиги ва принципиаллиги билан ажралиб турарди. У ўлкамиз меҳнаткашлари ўртасида катта обрўга эга эди. Партиянинг оташин жангчиси республикамиз партия контроли органларининг қарор топиши ва фаолиятига катта ҳисса қўшди. Гражданлар уруши тугалланиши ва социализм тинч бунёдкорлик ишларига ўтиш даврида тузилган партия контроль органлари коммунистларнинг ғоявий ва ташкилий бирлиги учун курашда ишончли қурол бўлди. Коммунистларни юксак ахлоқий талаблар руҳида тарбиялаш партиянинг кенг меҳнаткашлар оммасига таъсирини кучайтирди.

КЕЧА

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш М. П. Кафанов туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси У. О. Отақулов тўпланганлар ҳузурида доклад қилди.

Сўнгра партия ветерани, 1927 йилдан буён КПСС аъзоси В. И. Минеев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг илмий ходими Р. Ш. Пўлатова, «Тошкент» тепловоз депоси машинисти Г. Н. Грицинин сўзга чиқдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ МАТБУОТ БЮРОСИ ХАБАР БЕРАДИ

Тошкент ёзувчиларининг конференцияси

Тошкент область партия комитетида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент областида истиқомат қилаётган СССР Ёзувчилар союзи аъзолари, газета, журнал, радио ва телевидение редакцияларининг ходимлари, ижодий ташкилотлар, китобсеварлар жамияти, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари А. М. Хўжаев «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи область бўлимининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи область бўлимининг ижодий совети ҳамда унинг бюроси сайланди. Шунингдек янги ёзувчилар ташкилотининг иш плани муҳокама этилди ва тасдиқланди. Конференцияда область шаҳарлари ва районларида ташкил этилган ёш ёзувчилар клубларининг низоми ҳақидаги ахборот тингланди, уларнинг раҳбар составы тасдиқланди.

Таъсис конференциясида бўлим масъул секретари Абдулла Орипов область ёзувчилар бўлимининг фаолияти ва вазифалари ҳақида ахборот берди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари С. М. Кароматов сўзга чиқди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА

ҲАММАМИЗНИНГ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

ТОШКЕНТДАГИ ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент самолётсозлари барча совет кишилари қатори мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берган, мамлакатнинг 1990 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўли ва воситаларини белгилаб берган КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини қизғин ва якдиллик билан маъқуллашяпти.

Чкаловликлар Озиқ-овқат программасини, ўрток Л. И. Брежнев қўйган вазифаларни ўзларининг жонажон ишлари деб биладилар ва КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорларини ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун бор куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Бирлашма коллективларининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилашда ўтган йили корхонада ташкил этилган, келгусида жадал суръатлар билан ривожланиши кўзда тутилаётган ёрдамчи хўжалик маълум ҳисса бўлади.

Ҳозирги пайтда бу ерда 247 чўчқа, 395 қўй, 105 бош қорамол боқилмоқда. Бўғоз чўчқалар учун, бўрдоқига боқилаётган чўчқалар учун бинолар қурилди, ғалла сақланадиган атрофи очиқ шийпон, маъмурий бино, ошхона, магазин, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун иккита насос станцияси фойдаланишга топширилди.

Бирлашма коллективи СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади.

Шу йилнинг ўзида 1000 бош чўчқа сақланадиган чўчқахона, юз сигирга мўлжалланган сут-товар фермаси, силосхона, мол боғлаб боқиладиган бостирма қурилади.

Чўчқалар миқдори 500 тага, асалари уялари миқдори 660 тага етказилади. Ёрдамчи хўжаликдан Паркент каналигача йўл қурилади. Улар ҳаммаси 1982 йилда тирик вазнда 10,5 тонна гўшт, 10 тонна асал етиштириш имконини беради.

1983 йилда 1000 бошга мўлжалланган иккинчи чўчқахона қурилади. Қорамоллар сони 120 тага, шу жумладан сигирлар 90 тага етказилади, чўчқалар 1000 бошга етказилади. Тирик вазнда 105 тонна гўшт, 100 тонна сут, 12 тонна асал етиштирилади.

1984 йилдаги планларимиз қуйидагича: 60 ўринли ётоқхона, 100 ўринли болалар боғчаси ишга туширилади, қорамоллар миқдори 180 тага, чўчқалар 2 мингтага етказилади. Беш йилликнинг тўртинчи йилида тирик вазнда 205 тонна гўшт, 200 тонна сут, 13 тонна асал ишлаб чиқарилади.

Беш йилликнинг якунловчи йилида қорамоллар 200 тага, чўчқалар 3000 тага, қўйлар 500 тага, асалари уялари 880 тага етказилади. 1985 йилда тирик вазнда 305 тонна гўшт, 300 тонна сут, 14,4 тонна асал етиштирилади.

Ёрдамчи хўжаликни социал ривожлантириш программаси амалга оширилиб, 1985 йилгача 3 минг квадрат метр турар жой, бир қатор маиший объектлар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилди. Ёрдамчи хўжалик қувватларини ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга деҳқончилик маданияти, чорвачиликни юксалтириш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига эришилади.

Бирлашма меҳнаткашлари СССР Озиқ-овқат программасида белгиланган умумхалқ вазифасини ҳал этишга катта аҳамият бериб, диққат-эътиборни ердан самарали фойдаланишга, ёрдамчи хўжалик ем-хашак базасини мустаҳкамлашга қаратади, олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайди.

Самолётсозлар шунга аминдирларки, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида шаҳардаги бошқа меҳнат коллективлари ҳам аниқ мажбуриятлар қабул қиладилар, ҳар бир йирик корхона ва ташкилотнинг ўз «қишлоқ цехи», ўз ёрдамчи хўжалиги ташкил этилади. Ходимлари кам бўлган корхона ва ташкилотларда бундай агросаноат комплекслари кооператив асосида ташкил этилади.

Ҳеч ким бу муҳим ишдан четда турмаслиги керак. Фақат шундай қилиб, умумий куч-ғайрат билан биз муҳим халқ хўжалик вазифасини, мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўлчилигини юзага келтириш вазифасини ҳал этишимиз мумкин.

Социалистик мажбуриятлар В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари йиғилишида қабул қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ «УЗАВТОРЕМОНТ» РЕСПУБЛИКА САНОАТ БИРЛАШМАСИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЁРДАМЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бирлашма авторемонт корхоналарининг меҳнат коллективлари барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини зўр қониқиш билан, Коммунистик партиямиздан қонуний фахрланиш туйғулари билан кутиб олдилар.

Пленум маъқуллаган Озиқ-овқат программаси мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш ва совет халқи турмуш фаровонлигини ошириш программаси билан бевосита боғланган.

«Узавторемонт» меҳнат коллективлари Коммунистик партия даъватларига амалий иш билан жавоб беришни, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ўз улушини қўшишни ўз бурчи деб биладилар ва зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қиладилар.

— 1982 йил охирида Тошкент областининг Чиноз районидаги мавжуд чорвачилик комплексини кенгайтириш лойиҳаси тайёрланади. Бу марказлашган чорвачилик комплекси қурилиши давлат банкидан қарз олиш ҳисобига 1984 йилнинг охирида тугалланади, шу асосда 1985 йил охирида қўйларнинг, йирик қорамол ва чўчқаларнинг миқдори мингтага етказилади.

Чорвачилик комплекси учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш мақсадида ҳозир фойдаланилмаётган ташландиқ ерлар ҳисобидан 15 гектар ер ўзлаштирилади.

Бирлашма заводларининг ишчиларини янги сабзавот билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Ленинскдаги 6-авторемонт заводи ва Нукусдаги 16-авторемонт заводларининг теплица хўжаликлари кенгайтирилиб 1000 квадрат метрга етказилади. Хевадаги 13-авторемонт заводида 800 квадрат метр майдонда, Олмазордаги 5-авторемонт заводида 300 квадрат метр майдонда теплица комплекси қурилади.

Хевадаги 13-авторемонт заводи ихтиёридаги паррандачилик фермаси кенгайтирилади ва ундаги товуқлар миқдори ўн биринчи беш йиллик охирида 2 мингтага етказилади.

Биз меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, уларни биздан намуна олишга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга чақирамиз.

Ҳар бир меҳнат коллективи КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида ўз вазифаларини белгилаб олсин, умумхалқ ишига мавжуд резервларни, ўз имкониятларини хизмат қилдирсин, мамлакат агросаноат комплексини ривожлантиришга амалий ёрдам берсин.

«Узавторемонт» бирлашмаси меҳнаткашлари пойтахт коллективларини Озиқ-овқат программаси вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш бўйича белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга чақиради.

Социалистик мажбуриятлар «Узавторемонт» республика саноат бирлашмаси заводлари коллективларининг умумий йиғилишида муҳокама этилди ва қабул қилинди.

ОБУНАЧИЛАР ЭҲТИЁЖИНИ КЎЗЛАБ

Газета ва журналлар совет китобхони маънавий ҳаётининг ажралмас қисмидир. Вақтли матбуот партиямизнинг ғояларини оммага сингдирмоқда, коммунистик идеалларимизни пропаганда қилмоқда, омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга ёрдам бермоқда.

Съезднинг аҳоли маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб, вақтли нашрларни тарқатишни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан кўпгина ишлар қилинди.

1983 йил учун газета ва журналларга обуна бўлишнинг ўтган йилга нисбатан бир қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Обуначиларга обунани расмийлаштиришда янада қулайликлар яратиш учун обуна мавсуми уч ярим ойга — 1 августдан 15 ноябргача, чет эл нашрларига эса шу йилнинг 1 ноябригача узайтирилади.

Корхона, ташкилот ва муассасалардан идора учун обунани расмийлаштириш эса 1 августдан 31 августгача давом этади.

Директив органлар 1983 йил учун вақтли нашрларга обунани ўтказишда обуначиларнинг вақтли нашрларга бўлган талабини тўларок қондиришни кўзда тутди. Лимит нашрлари рўйхати қисқартирилди ва бир мунча ўзгаришлар киритилди. Республикамизга ажратилган тиражларга кўра қуйидаги журналларга обуна бўлиш мумкин: «Аврора», «Вокруг света», «За рулём», «Звезда», «Знамя», «Иностранная литература», «Молодая гвардия», «Наука и жизнь», «Новий мир», «Радио», «Студенческий меридиан», «Техника молодежи», «Юность», «Литературная газета» ва «Дружба народов», «Огонёк», «Сельская жизнь» журналларининг адабий-бадиий иловалари.

Бошқа газета ва журналларга чекланмаган миқдорда обуна бўлиш мумкин.

Обуна мавсумида 9800 та обуна қабул қилиш пунктлари ишлайди. Шундан қишлоқда 6100 та пункт иш олиб боради.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, уруш инвалидлари, учала даражали Шуҳрат ва Меҳнат Шуҳрати орденлари, учала даражали «СССР Қуролли Кучларида она-Ватанга хизмати учун» ордени кавалерлари ва иттифоқ ҳамда республика аҳамиятига молик шахсий пенсионерларни газета ва журналларга обуна қилишни яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар амалга оширилди.

Ҳар йили «Союзпечать» корхоналари ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида идора учун обуна қабул қилмоқдалар. Идора учун обуна қилаётган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари шуни яхши билишлари керакки, ўтган йили обуна шу обунага ажратилган маблағ даражасида ўтказилган бўлса, бу йил эса корхона ва ташкилотлар обунани ўтган йилги тираж даражасида расмийлаштирадилар. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига шуни эслатиб ўтмоқчимиз: «Союзпечать»га буюртма беришдан олдин бу буюртмаларни қайта кўриб чиқиш ва буюртмалардан ихтисослашмаган нашрларни чиқариб ташлаш зарур. Буюртмаларга ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекиши шарт.

Шуни кўзда тутиш керакки, «Плакат» нашриёти ва «Аргументи и факти» бюллетенининг нашрлари идора учун обунага ажратилган суммадан ортиқча расмийлаштиришга қабул қилинади.

Газета ва журналларга обунани ўтказиш пайтида бу муҳим сиёсий кампанияда «Союзпечать»нинг партия органлари ва ходимлари кенг жамоатчилик активига: республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларидаги матбуот тарқатувчиларга таянадилар, уларга иш ёки ўқиш жойларида мурожаат қилиш мумкин.

Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида «Союзпечать» хизмат кўрсатишнинг янги турини — маълум бир муддат танаффус қилиб обуна бўлиш ва обунанинг коллектив формасини таклиф қилади.

Вақтли нашрларга обунани расмийлаштиришда олдиндан узоқ командировка, отпуска, каникул билан боғлиқ, маълум муддатга танаффус қилиш мумкин.

Обунанинг коллектив формаси эса бирга хизмат қилаётганлар қўни-қўшнилар, дўстлар ўртасида группа бўлиб обуна бўлишни кўзда тутади. Бу эса вақтли нашрлардан янада самаралироқ фойдаланиш ва обуначиларнинг маблағларини тежаш имконини беради.

Обунанинг янги формалари жорий этилиши ортган лимит тиражлари ва бошқа нашрларни чакана савдо тармоқларига юбориш имконини беради.

Бир пайтнинг ўзида тўлдириладиган квитанция ва элтиб бериш карточкаси — нашрларни обуначиларга тарқатишдаги асосий обуна ҳужжати ҳисобланади. Квитанция ва элтиб бериш карточкасини аниқ, тушунарли қилиб, қисқартирмасдан, сизга газета ва журналларни элтиб берадиган алоқа бўлимининг номерини кўрсатиб тўлдириш зарур.

Яна бир маслаҳатимиз шуки, обунани расмийлаштиришни кейинга қолдирманг. Газета ва журналларга обуна уч ярим ой давом этса-да, ўз вақтида обунани расмийлаштириш нашрларни узлуксиз элтиб беришни таъминлайди.

С. КАЗАКОВА,
Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги «Союзпечать» матбуот тарқатиш бошқармасининг бошлиғи.

БИЗНИНГ ШАРҲ

Бугун эълон қилинаётган В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Узавторемонт» республика саноат бирлашмаси корхоналари коллективларининг социалистик мажбуриятлари КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорларини амалга ошириш учун тошкентликларнинг қизғин интилишини ифодалайди.

Катта, умумхалқ иши бошланди, у ўзига энг жиддий муносабатни, комплекс ёндошишни, қатъият ва ташаббускорликни талаб этади. Озиқ-овқат программасининг амалга оширилиши мамлакат, республика, шаҳар экономикасини ривожлантиришда, халқ фаровонлигини янада юксалтиришда сифат жиҳатидан янги босқичнинг бошланишидир. Бу ерда ҳеч ким, биронта ҳам коллектив бу катта ва ғоят муҳим ишдан четкада қолмаслиги лозим.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг ҲАР БИР САНОАТ КОРХОНАСИ, ҲАР БИР ТАШКИЛОТ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТИШГА ҚОДИР БЎЛСА, УНГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК, деган кўрсатмаларини тошкентликлар жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилишди.

Ҳозир Ўзбекистон пойтахтида В. П. Чкалов номли авиация бирлашмаси, «Узавторемонт» республика саноат бирлашмасидан ташқари бошқа коллективлар ҳам ёрдамчи хўжаликларга эгадир. Тўқимачилик комбинати, темир-бетон конструкциялар тажриба заводи, Тошкент 2-йўл қурилиши бошқармаси, шаҳарлараро қатнайдиган автобуслар парки, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси, Октябрь ва Собир Раҳимов район ошхоналар трестлари, бир қатор министрликлар шулар жумласидан. Бу хўжаликлар йилдан-йилга ривожланиб, жамоат дастурхонига салмоқли қўшимча чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етказиб беряпти.

Бироқ, иш манфаати шаҳардаги барча йирик корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликка эга бўлишини тақозо этади. Ходимлар миқдори у қадар кўп бўлмаган корхоналарда қандай қилиш керак! Табиийки, бунда проблема кооперация усулида, бу коллективларнинг куч-ғайратини моддий воситаларини агросаноат комплексларини ташкил этиш бўйича бирлаштириш йўли билан ҳал этилиши керак. Бу вазифани бугунги кунда кечиктирмай ҳал этиш лозим. Бу КПСС Марказий Комитети май Пленуми талабидир, Озиқ-овқат программасида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши шу йилнинг ўзида аниқ натижалар беради.

Озиқ-овқат программаси чуқур ўйлаб, комплекс ёндошишни тақозо этади. Жамоат агросаноат комплексларини яратиш хали ишчи кучи, моддий воситаларни жалб этишнигина кўзда тутмайди. Коллективларнинг куч-ғайратини энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратиш лозим.

Бу ерда лойиҳаловчиларнинг роли катта. Майдонларни алмашлаб экишни ҳисобга олган ҳолда планлаштириш, қурилиш учун сифатли лойиҳалар тайёрлаб бериш лозим. Ёрдамчи хўжаликларга борадиган равон йўллар қуриш зарур. Бунда йўлсозлар намуна кўрсатишлари керак. Қурилаётган агросаноат комплексларини энергия ва электр билан, сув билан таъминлашдан ташқари, зарур мелиоратив иншоотлар қуриш лозим бўлади.

Қурилаётган объектларни транспорт билан таъминлаш ҳам ғоят муҳим. Қурилиш учун юкларни белгиланган муддатда етказиб бериш шаҳар автомобилчиларининг жанговар вазифасидир. Шахсий томорқа хўжаликларига, боғдорчилик-полизчилик кооперативларига ҳам эътибор бериш лозим. Улар ҳозирнинг ўзида шаҳарликларнинг дастурхонига салмоқли маҳсулот беришяпти. Келгусида уларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарур.

Қисқаси ҳаммаси муҳим, бир-бири билан мустаҳкам боғланган ишлар кўп. Уларни эртанги кунга қолдириб бўлмайди. Бу вазифаларни бугунги кунда, комплекс ҳал этиш, истиқболни ўйлаб иш қилиш лозим.

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Тошкент саноатининг меҳнат коллективлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, совет кишилари моддий фаровонлигини ошириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича белгиланган марраларни эгаллаш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирадилар.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ ШАРАФИГА

Ўрта Осиё темир йўлининг кўп минг кишилик коллективи ўз профессионал байрами — Темирйўлчилар кунини яхши кайфият билан кутиб олмоқда. Магистрал ходимлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, йил бошидан буён планга қўшимча равишда саккиз юз минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бердилар.

Минерал ўғит, ёқилғи, цемент, республиканинг янги қурилишлари учун бинокорлик материаллари ва конструкциялари ташиш топшириқлари ошириб бажарилди. Россиянинг марказий районларига, Ғарбий Сибирь, Урал, БАМга Ўзбекистон далаларида етиштирилган уч юз минг тоннадан кўп сабзавот ва мева жўнатилди.

30 июлда Тошкентда Темирйўлчилар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида гапирилди. Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Қодиров доклад қилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Енгил атлетикачилар стартга чиқишади

Эртага Тошкентда биринчи марта енгил атлетика бўйича оммавий мусобақалар ўтказилади. Бу мусобақаларда ҳар бир киши қатнашиши мумкин. СССР 50 йиллиги номли боғнинг йўлакларида эса соғломлаштириш бўйича шаҳар мусобақалари ташкил этилади.

Соғломлаштириш мусобақалари тошкентликлар ўртасида йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Ҳавасқор югурувчилар клуби аъзоларининг сафи кенгайиб бормоқда. Бундан бир неча ҳафта олдин В. И. Ленин номли майдон бўйлаб енгил атлетика мусобақалари ташкил этилган эди. Бу беллашувларда ўн мингдан зиёд ҳамшаҳаримиз қатнашди.

Бу сафар яна мусобақа ташкил этилмоқда. Мусобақаларнинг программаси жуда кенг. 5 километр, 10 километр, 20 километр масофага югуриш программадан жой олган. Шунингдек, марофонча югуриш бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилади. Бир километр масофага «Отам, онам, мен — спортчилар оиласимиз» шиори остида ўтказиладиган бахслар ниҳоятда қизиқарли бўлиши кутилмоқда.

Енгил атлетика мусобақалари бошланишидан олдин ташкилий комитетга район, корхона, ЖЭК, спорт клублари ва физкультура коллективлари командаларидан жуда кўп илтимосномалар тушди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Чунки югуришни ҳамма севади. Бунинг устига ҳар ким ўзининг кучи, иродаси, қобилиятига қараб ўзига мос масофада ўтказилган баҳсда иштирок этиши мумкин.

Беллашувларни ташкил этаётган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети физкультура ва спорт комитети ва «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти область Совети ғолиблар ва совриндорлар учун мукофот ва ёрлиқларни тайёрлаб қўйди.

Шундай қилиб, эртага СССР 50 йиллиги номли боғда енгил атлетика бўйича оммавий мусобақалар ўтказилади. Беллашувлар эрталабки соат 8.00 да бошланади. Биз, ҳамшаҳарларимизнинг ҳаммасини стартга чақирамиз!

СУРАТДА: енгил атлетика кроссига старт берилмоқда.

Д. Клочков фотоси.

Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз

БЕЛГИЛАНГАН БАРЧА ТОПШИРИҚЛАР БАЖАРИЛСИН

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари ўртасида беш йилликнинг иккинчи йили учун социалистик мусобақа бўйича тузилган шартнома коллективларнинг хўжалик-иқтисодий фаолиятида энг юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашда таъсирчан воситага айланди. Саноат корхоналари иш якунлари, икки райоининг биринчи ярим йиллигидаги меҳнат беллашуви ана шундан далолат беради.

Меҳнат коллективлари январь-июнь ойидаги халқ хўжалиги топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар ва планга қўшимча 4,3 миллион сўмлик маҳсулот бердилар. Бу мажбуриятларда белгиланганидан 556 минг сўмлик кўпдир. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган зарбдор вахтада қурувчилар, транспортчилар, алоқачилар, фан, маиший хизмат ва савдо ходимлари дуруст меҳнат қилишди.

Мусобақани ташкил этишдаги қимматли тажрибаларни умумлаштириш, биринчи ярим йилликдаги районлар хўжалик-иқтисодий фаолияти якунларини чиқариш мақсадида яқинда икки район меҳнат коллективлари вакиллари Чилонзор район партия комитетида бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишига тўпландилар.

Чилонзорликлар биринчи бўлиб Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Расуловга сўз берганликларининг алоҳида маъноси бор. Бу фақатгина меҳнатдаги рақибга ҳурмат, қўшни район меҳнат зафарларини, унинг шаҳар индустрияси ва қурилишини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини тан олишдангина иборат эмас. Октябрь райони коллективлари меҳнат самарадорлигини ва суръатини ошириш йўлида талайгина ишлар қилдилар. Қолоқларсиз ишлашни ўрганиб олдилар. Чилонзорликлар эса улар бунга қандай муваффақ бўлишаётганини билишни исташарди.

— Бизнинг учрашувимиз шунинг учун ҳам диққатга сазоворки,— деди ўртоқ О. Расулов. —Биз районларимиз ўртасидаги ярим йиллик меҳнат беллашувига СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида, район меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми маъқуллашган СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга киришган масъулиятли даврда якун ясаяпмиз.

— Чилонзор райони меҳнат коллективлари план ва мажбуриятларни муваффақиятли адо этишларида,— деди шундан кейин йиғилишда сўзлаган Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқов,—Октябрь райони меҳнаткашлари билан бўлган мусобақада юқорироқ марраии эгаллаш учун интилиш ёрдам берди.

Чилонзор индустрияси биринчи ярим йиллик планини муддатидан илгари, 26 июнда адо этди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 процент ўсди. меҳнат унумдорлигини юксалтириш топшириғи белгиланган кўрсаткичдан 3.1 процент юқори бўлди.

Чилонзорликлар оз маблағ сарфлаб, кўп, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз шиорига амал қилиб, ҳар бир буюмга сарфланган харажатни камайтириш учун курашни кучайтирдилар ва товар маҳсулот таннархини арзонлаштириш эвазига 80 минг сўм тежадилар. Планга қўшимча 370 минг сўмлик фойда олинди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳам анча яхшиланди. Ҳозир районда давлат Сифат белгиси билан 45 хил буюм тайёрланаяпти, уларнинг умумий маҳсулот ҳажмидаги салмоғи ўтган йилга нисбатан 1,4 баравар кўпайди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми анча юксалди — йил бошидан бери 38 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«Промсвязь», электр рўзғор буюмлари заводлари, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика карлар жамиятининг 2-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси план ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан аввал бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ярим йилликни чилонзорлик қурувчилар ҳам дуруст якунлашди. Бу даврда 23 миллион сўмлик (бу топшириққа нисбатан 103 процентни ташкил этди) капитал маблағ ўзлаштирилди, 19 миллион сўмлик асосий фондлар (бу план топшириғидан 11 процент кўп) ишга туширилди, 22 минг квадрат метр турар жой, 1.176 ўқувчи ўринли мактаб, иккита болалар боғчаси ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриб, ишга туширилди.

«Средазнефте г а з строй», «Ташметрострой», «Главсредазирсовхозстрой» ва «Промгражданст р о й» трестлари коллективлари йилнинг биринчи ярмини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар.

Муҳим буюмлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ярим йил планини Октябрь райони индустрияси ходимлари муддатидан аввал, 26 июнда тугалладилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда бу ерда 6,2 процент юксалди, маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 85,5 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Район экономикасини ривожлантиришга қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Беш йиллик бошидан бери улар томонидан 90 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 43 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида районнинг 5 минг аҳолиси уй-жой шароитларини яхшилаш имконига эга бўлди. «Москва» меҳмонхонаси (1200 ўринли) ва иккита катта зали бўлган Кино уйи шаҳарнинг диққатга сазовор биноларидан бўлиб қолди.

Район коллективлари меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули —бригада методини ривожлантиришга катта аҳамият бераяптилар. Ҳозир саноат корхоналари ва қурилишларда 986 бригада ишлаяпти. Булардан 243 таси «Коммунистик меҳнат бригадаси» фахрли номига эга. 150 ишчи ва қурувчи «Еттилар ташаббуси»ни қўллаб-қувватлаб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқдалар.

Жойларда меҳнатни ташкил этиш системаси такомиллашмоқда, фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этиляпти. Ростовликлар ва янгийўлликлардан намуна олиб, оз куч ва маблағ сарфлаб, юксак пировард натижаларга эришиш учун кураш қизимоқда.

«Средазэнергоцветмет», «Ташкентпиво», «Матбуот» бирлашмалари, «Мебель» тажриба-техника заводи каби коллективлар белгиланган план ва мажбуриятларни муваффақиятли адо этишди. Уларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришиляпти.

Ҳар икки райондаги транспорт ва алоқа, лойиҳа конструкторлик-илмий тадқиқот ташкилотлари, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари коллективлари маълум ютуқларни қўлга киритдилар.

«Средазнефте г а з строй» тресли 5-қурилиш бошқармаси автокранчиси В. Манаев, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Н. Убайдуллаева, Тошкент метрополитени машинисти А. Холиқов, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари К. Тишина ва бошқалар ўз нутқларида мусобақадош коллективлар белгиланган вазифаларнинг ҳаммасини адо этиб улгурмаганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, Чилонзор районида 2-пойафзал фабрикаси, «Промгражданст р о й» трестининг саноат корхоналари бошқармаси товар маҳсулот таннархининг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ишлаб чиқариш корхоналари комбинати ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85 — 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришиш мажбуриятини олгандилар. Аслида бу кўрсаткич 72 процентни ташкил этди.

«Средазспецстрой» трестининг 1-механизациялашган колоннаси, «Узэлектромонт а ж» трестининг 2-Тошкент монтаж бошқармаси, республика маориф министрлигининг ремонт-қурилиш бошқармаси пудрат ишлари планини бажаролмадилар.

Октябрь районида тўртта корхона кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятларни уддалашолмади. Бу «Малика» трикотаж бирлашмаси, кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси, театр жамияти комбинати, уйга иш берадиган фабрикадир. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малика» тиркотаж бирлашмаси, кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмалари буюртмачиларга белгиланган ассортиментда ва ҳажмда буюмлар етказиб бериш бўйича шартномадаги мажбуриятларни бажаролмадилар.

Октябрь районининг бир қатор қурилиш-монтаж бошқармалари — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекгидроэнергострой» тресли, 159-қурилиш тресли, «Ирмонтажстрой» тресли ва бошқа ташкилотлар ярим йилликда асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича план топшириқларини бажаролмадилар.

Қабул қилинган резолюцияда йиғилиш қатнашчилари шундай деб ёзишди: план топшириқларини ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш район партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидандир. Ишнинг манфаатлари хўжалик раҳбарларидан, бошланғич партия ташкилотлари секретарларидан, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан меҳнат коллективларини ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кенг истеъмол буюмларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида, қурилишларда, транспортда тежамкорлик режимини кучайтиришга жалб этишларини тақозо этади.

Биринчи ярим йилликда **Чилонзор райони** социалистик мусобақа ғолиби сифатида тан олинди.

• *ШУ КУННИНГ ИНТЕРВЬЮСИ*

Олий ўқув юртларига янги қабуллар

Август — олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида қизғин палла — уларда кириш имтиҳонлари бошланади.

Студентлар сафига навбатдаги қабулга олий ўқув юртлари ва техникумлар қандай тайёргарлик кўришди? Студентларни қандай янгиликлар кутмоқда? Уларнинг ўқиши, турмуши, дам олиши учун қандай шароитлар яратилган? Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Салим Пўлатович ПЎЛАТОВдан ана шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилдик.

— Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XIX съездида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Бизнинг ёшларимиз жуда яхши — ўқимишли, истеъдодли, дадил ёшлардир. Шундай бўлиши ҳам керак. Ёшлик — ҳаёт тонгидир. Ёшлик — инсоннинг шахс сифатида, граждан сифатида камол топадиган пайтидир. Шунинг учун ҳам ёшлар доимо ўқиб, ўрганишлари керак». Ўртоқ Л. И. Брежнев бугун 18—25 ёшдаги ёшлар эртага жамиятимизнинг таянчи бўлишини таъкидлаб ўтган эди. Мана шунинг учун ҳам биз олий ўқув юртларига янги қабул қилинаётган ёшларга жуда катта эътибор беряпмиз. Чунки бугунги абитуриентлар келгуси беш йилликларда меҳнат қилишади, уларнинг касб маҳорати гуллаб-яшнаши эса 90-йилларга тўғри келади. Бўлажак мутахассислар билимларининг қомусийлиги, дунёқарашининг етуклиги, тафаккурининг юксаклиги, ижодкорлиги билан ажралиб туриши керак.

Шуни таъкидламоқчиманки, олий мактабда шунингдек ўрта ўқув юртларида таълим олиш жараёни энг аввало ҳар бир ўқувчидан билим эгаллашда ташаббускор бўлишини тақозо этади. Демак, улардаги масъулиятни ҳис этиш, интизомлилик, меҳнатсеварлик, ўз олдига қўйган мақсадига қатъий интилиш каби сифатларнинг аҳамияти бугун улар учун ҳар қачонгидан кўра муҳим роль ўйнайди. Биз худди ана шундай ёшларни ўқишга жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Шуни айтиш керакки, ҳозир олий ўқув юртлари ва техникумларда бошланган конкурс синовлари палласида ёшларнинг касб-ҳунар танлаши бўйича кўрилган тайёргарликлар муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Масалан, олий ўқув юртлари педагогларининг ишчилар. колхозчилар, мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашувлари, олимпиадалар, очиқ эшиклар кунлари бу борада яхши натижа беряпти. Бу жиддий ишдан кўзланган мақсад айнан ўз касбига мос талабани танлай билиш, уларга эгаллайдиган мутахассислиги ҳақида яхши тасаввур бериш, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳозирлик кўришдан иборатдир.

Тошкентда, Л. И. Брежнев образли қилиб айтганидек «Шарқ юлдузида» 19 олий ўқув юрти. 37 техникум мавжуд. Уларда 200 мингдан ортиқ студентлар, ўқувчилар илм олади. Бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 75 мамлакатнинг тўрт мингдан кўпроқ ўғил-қизлари мутахассис бўлиб етишмоқдалар.

— Бу йил халқ хўжалигига қанча дипломли мутахассислар етказиб берилганлиги ҳақида ҳам гапириб берсангиз. Конкурс синовларидан кейин қанча йигит-қизлар бахтли студентлик билетининг эгалари бўлишади?

— Бу йил 46 минг олий маълумотли дипломли мутахассислар биринчи бор ўз фаолиятини бошламоқда. Деярли 54 минг йигит-қиз эса биринчи бор студентлар сафига қўшилади. Уларнинг 32,5 мингдан кўпроғи кундузги бўлимларда ўқишади. Ҳаммаси бўлиб республиканинг олий ўқув юртлари ва техникумларига 150 минг (шундан 95 мингдан кўпроғи кундузги бўлимларга) талаба қабул қилинади. Тошкент политехника институтига қабул қилинадиган студентлар сони энг кўп миқдорда бўлади. Бу ерда 60 дан кўпроқ мутахассисликдаги инженер-кадрлар тайёрланади.

— Салим Пўлатович, Тошкент политехника институти бу йил икки янги мутахассисликка: газ-нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини лойиҳаловчи ва эксплуатация қилувчи инженер-механиклар, электрон ҳисоблаш аппаратураларини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш бўйича конструктор-технологлар тайёрлаш бўлимларига талабалар қабул қилади. Балки бошқа олий ўқув юртларида ҳам шундай янгиликлар бордир?

— Тошкент политехника институтида янги мутахассисликлар бўйича иккита бўлим очилаётганлиги бу давр тақозосидир. Айниқса конструктор-технологлар тайёрлаш бўлимининг истиқболи жуда катта. Биз келгусида электрон ҳисоблаш машиналарини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш бўйича кадрлар тайёрлаш миқдорини янада оширамиз. Олий мактабга қўйилаётган талабларнинг ошишига мувофиқ ҳолда бир қатор институтларда торроқ миқёсдаги ихтисослаштиришнинг жорий этилиши кўзда тутиляпти. Масалан, янги ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тўқимачилик саноати учун мутахассислар тайёрлайди, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти озиқ-овқат ва енгил саноат мутахассислари тайёрлашга ихтисослаштирилди. Бу ерда қўшимча равишда тери технологияси ва теридан ишланадиган маҳсулотларни конструкциялаш мутахассислиги бўйича инженерлар тайёрлайдиган бўлим очилди.

Бу йил Тошкент политехника институтининг Муборакда, Тошкент автомобиль йўллари институтининг Термизда, Тошкент халқ хўжалиги институтининг Қарши ва Хевада, Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Наманганда филиаллари ташкил этилди. Шунингдек Урганч шаҳрида Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг умумтехника факультети ташкил этилади.

Ўқувчиларни янги техникумлар ҳам кутмоқда. Андижон енгил саноат. Янгиқўрғон мева-сабзавот, Ленинск индустриал техникумлари шулар жумласидандир. Шунингдек Нукус қурилиш техникумининг Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги, Янгийўл озиқ-овқат техникумининг Денов шаҳридаги филиаллари ҳам иш бошлайди. Айни пайтда Тошкент автомобиль йўллари институти. Самарқанд архитектура-қурилиш институти янги ўқув корпуслари. Нукус университетининг спорт зали, янги ётоқхоналар, кутубхоналар, ошхоналар ишга туширилади.

— Газетхонларнинг хатларида тайёрлов бўлимлари, шунингдек махсус тайёрлов бўлимлари тўғрисида ҳам саволлар бор.

— Ҳа, бу жуда муҳим. Республиканинг олий ўқув юртларига 6.2 минг йигит-қиз тайёрлов бўлимлари орқали қабул қилинади. Бундай бўлимларнинг аҳамияти ишчилар ва колхозчилар, ҳарбий хизмат сафидан қайтганларнинг билимларини мустаҳкамлашда жуда каттадир. Тингловчилар худди студентлар каби стипендия билан таъминланадилар. Саккиз ой мобайнида улар лекциялар тинглашади, ҳар бир тингловчи олий ўқув юрти даражасида билимга эга бўлиши учун олий мактабнинг олимлари контроль ишлар ўтказишади. Бу бўлимларнинг тингловчилари битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширсалар, кириш имтиҳонларисиз, имтиёзли равишда олий ўқув юртига қабул қилинадилар.

Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларида айрим жуда етишмайдиган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Масалан, бу йил ўзбекистонлик 700 йигит-қиз мамлакатнинг 40 та шаҳрида 106 мутахассислик бўйича таълим олишга қабул қилинади. Бундан ташқари, қабул қилишнинг ўзаро келишилган планига мувофиқ ҳолда Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўзаро студент алмашадилар. Ана шу йўналиш бўйича бу йил 279 йигит-қиз ўқишга қабул қилинади.

Ушбу беш йилликда Ўзбекистон олий мактаблари мутахассисларни илгаридан тақсимлаб қўйишга ўтади, яъни студент олий ўқув юртини битиришидан икки — уч йил илгари ўзи танлаган мутахассислик бўйича қаерда ишлашини билади. Демак, бундай студентлар ўша жойнинг иш шароитлари билан яқиндан танишадилар, ишлаб чиқариш практикасида бўладилар.

Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги моддий-техника базани ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Яқин келажакда Тошкент политехника институти ётоқхона ва кўп квартирали турар жойга, Тошкент Давлат университети студентлари эса ҳар бири 220 ўринли 5 та ётоқхона, Юсуфхонадаги спорт-соғломлаштириш лагери, олий ўқув юртлари шаҳарчасидаги ўз спорт комплексларига эга бўладилар. Яна бир янгилик ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Бу бизнинг Озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшадиган камтарин ҳиссамиз бўлади, яъни йирик институтлар қошида парник хўжалиги бўлган жамоатчилик асосидаги сабзавот-полиз далалари ташкил этилади. Уларнинг маҳсулоти таннархига биноан студентлар ошхоналарида реализация қилинади. Студентлар дастурхонида йил бўйи сервитамин маҳсулотлар. кўкатлар бўлади. Студент ошхоналари тресли ташкил этишга қарор қилинди. Бу трест студентлар овқатланиши бўйича масалаларни марказлашган ҳолда ҳал этади. Бундай мисоллар олий ўқув юртлари ва техникумлар ўз студентлари учун қилаётган ғамхўрликларининг ифодасидир.

— Демак, эртага кириш имтиҳонлари бошланади...

— Мен абитуриентларга омад тилайман. Шунга аминманки, студентлик номига муносиб чуқур ва мустаҳкам билимга эга бўлган, ўзи хоҳлаган касбни қатъий танлаган йигит ва қизлар конкурс синовларидан шараф билан ўтадилар. Ана шу синовлардан ўтаётиб. улар юксак малакали мутахассислар бўлиб етишиш учун барча куч-ғайратларини ишга соладилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШ

ХАНОЙ. Вьетнамда тежамкорлик учун кураш кенг қулоч ёзди.

Ханой ва Хошиминдаги бир қанча машинасозлик корхоналарининг коллективлари, Совет — Вьетнам дўстлиги объектларининг бинокорлари бу соҳада айниқса муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Масалан, Совет Иттифоқининг ёрдами билан ВЕРда барпо этилаётган фалай иссиқлик электростанцияси қурилишида материаллардан фойдаланишга омилкорлик билан ёндошилганлиги туфайли қарийб икки миллион донг тежаб қолинди.

Комсомоллар ва ёшлар тежамкорлик учун бошланган умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафларида бормоқдалар. Мамлакатнинг ёш хўжайинлари ўзларига кўрсатилган ишончни оқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар йил бошидан буён минглаб тонна металл, ёқилғи, цемент ва жами қиймати салкам 10 миллион донг келадиган бошқа материалларни тежадилар.

БОЛГАРИЯНИНГ ҚОРА ДЕНГИЗ ДУРДОНАСИ

СОФИЯ. Болгарияда дам олувчиларнинг асосий қисми Қора денгиз соҳилларига боришади. Варна райони айниқса, гавжумдир. Бу ерда салкам 85 минг киши ўз отпускасини ўтказади. Машҳур «Олтин қумлар» шифохонаси кенг шуҳрат қозонгандир. Шифохона бу йил ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонлайди.

Бу курортни ҳақли равишда Болгария Қора денгизининг дурдонаси деб аташади. Унинг қум пляжлари бир неча километрга чўзилиб кетган. Кўп сонли меҳмонхоналар ва пансионатларнинг ёруғ корпуслари ям-яшил дарахтзорлар фонида жойлашган. Бу дарахтлар қурилиш вақтида сақлаб қолинган эди. Курортда спорт билан шуғулланиш, кўплаб маданий тадбирлар ўтказиш учун ҳам барча шароитлар яратилган.

«Олтин қумлар»да бўлиш программаси Болгариянинг турли шаҳарларига экскурсия қилиш, музикали концертларга боришни ўз ичига олади. Болалар билан дам олиш учун ҳам қулайликлар кўзда тутилган. Махсус ҳовузлар, электр темир йўли, ўйинлар учун майдончалар кичкинтойларга катта қувонч бахш этади.

Мюнхенда урушга қарши намойишнинг ёш қатнашчилари кўтариб олган транспарантда ёзилган шиор «Қуролланиш ўрнига билим олиш бўлсин!» деб талаб этади. ГФРда АҚШ ва НАТОнинг агрессив йўлига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда.

АДН — ТАСС фотоси.

Юксак баҳо

АДАН. Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси ва республика бош министри Алиносир Муҳаммад фаластинлик араб халқи, Ливан миллий — ватанпарвар кучлари, барча араб халқларининг Исроил агрессиясига ва империализм найрангларига қарши олиб бораётган курашида улар билан бирдамликни мустаҳкамлаш соҳасида Совет Иттифоқи тутган принципиал позицияга юксак баҳо берди.

Ҳукуматнинг «Арбааташар октобр» газетасининг хабар беришича Алиносир Муҳаммад Совет Иттифоқи араб халқларига ҳар томонлама ва доимо мадад бериб келаётганлигидан ғоят мамнун эканлигини изҳор этди. Бу принципиал позиция, деб уқтириб ўтди у, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг «Правда» газетаси саволларига қайтарган жавобларидаги конкрет таклифларида таъкидланди.

• • •

ТУНИС. Совет Иттифоқи — барча араб халқларининг содиқ дўсти ва иттифоқчисидир. Империалистпараст доиралар араб мамлакатларини АҚШ ҳомийлигида Исроил бошлаган урушда ўзларининг асосий таянчи бўлган Совет Иттифоқидан ажратиб қўйишга уринмоқдалар. Совет раҳбарлари Исроил ва АҚШ агрессиясига қаршилик кўрсатаётган кучларни принципиал жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган позицияни эгаллаб турганликларини, Исроил қўшинларининг суверен араб давлати территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилаётганликларини, деди халқаро журналистлар ташкилотининг вице-президенти, араб журналистлар федерациясининг раиси Саад Қосим Ҳаммуди, фактлар тасдиқламоқда.

С. Ҳаммуди Совет Иттифоқи араб кучларини жипслашишга даъват этаётганлиги Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш манфаатларига хизмат қилаётганлигини уқтириб, Фаластин проблемаси Яқин Шарқдаги тангликнинг негизини ташкил этади, деб таъкидлади.

САНОАТ РОБОТЛАРИ

БЕРЛИН. Галле округининг Дессау шаҳридаги вагонсозлик заводини модернизациялаш программаси саноат роботларини кенг жорий этишни кўзда тутади. Шу йилнинг ўзидагина корхонада бир неча ўнлаб ишчининг ишини бажарадиган 14 та автомат қурилма ишлай бошлайди.

Ҳозир ГДР завод ва фабрикаларида 9 мингдан кўпроқ саноат роботлари ва манипуляторлари ишлаб турибди. Шу беш йилликнинг охирига қадар уларнинг сони салкам беш баравар кўпайтирилади.

БАЛИҚ ОВЛАШ ФЛОТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ПХЕНЬЯН. Кореянинг Чхонжин шаҳридаги кемасозлик корхонасининг стапелларидан 5 минг тонна юк сиғадиган «Пэксабон» рефрижератори сувга туширилди. Ноябрь ойида — минтай балиғининг катта-катта галалари Корея ярим ороли соҳилларига келиши билан қишки балиқ овлаш мавсуми бошланади.

Республиканинг балиқ овлаш флотига ҳар йили катта музлатиш траулерлари, соҳилда балиқ овлайдиган кемалар, шунингдек рефрижератор кемалар қўшилмоқда. КХДР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1978—1984 йилларга мўлжалланган иккинчи етти йиллик планига мувофиқ, балиқ ва бошқа «денгиз неъматлари»ни овлаш 3,5 миллион тоннага, шу жумладан балиқ тутиш 2,7 миллион тоннага етказилади.

Ирригаторларнинг режаси

ДЕҲЛИ. Мамлакат ирригация министри Кедар Панде Ҳиндистонда 1985 йилгача 66 та катта ирригация объектлари ишга туширишни маълум қилди. Мустақиллик йиллари мобайнида Ҳиндистонда ирригация соҳасида муҳим тараққиётга эришилди. Суғориладиган ерлар майдони қарийб уч баравар ортди ва ҳозир 61,8 миллион гектарни ташкил этади. 500 тадан кўп гидротехник объектлар фойдаланишга топширилди. Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани (1980—1985 йиллар)да, шунингдек. яқинда қабул қилинган ва 20 банддан иборат янги социал-иқтисодий программада ирригация тармоқларини янада кенгайтиришга катта эътибор берилган.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БЕРЛИН. Шу йил бошидан буён ГДРнинг турли шаҳарларида 260 мингдан кўп киши янги уйларга кўчиб кирди. Бу давр ичида республикада 90 мингта — кўзда тутилганидан 2 мингта кўп квартира қуриб битказилди ва капитал ремонт қилинди.

Қурувчиларнинг юксак меҳнат муваффақиятлари ГБСПнинг уй-жойлар қурилиши программаси изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Программада, жумладан, 1990 йилгача уй-жой масаласини ҳал этиш кўзда тутилган. Ўтган беш йилликнинг ўзидагина мамлакатда 1,6 миллионтадан кўп қулай ва шинам квартира фойдаланишга топширилди. Қарийб 5 миллион киши уй-жой шароитини яхшилаб олди.

• • •

ВЕНА. Австрия пойтахти аҳолисини ташвишлантирадиган экологик ҳалокатнинг хавфи тобора кескинлашмоқда. «Курир» газетасининг маълумотларига кўра, шаҳарнинг шимолий районларида маъмурларнинг буйруғи билан ёпиб қўйилган артезиан қудуқлари қарийб мингтага етди. Бир ҳафтадан кўпроқ вақт илгари ер ости сувларидан саноат ишлаб чиқаришнинг заҳарли чиқиндилари топилган эди. Вена шимолида водопровод системасига уланмаган ва қудуқлардан фойдаланмайдиган кўплаб ишчилар турадиган районлар ҳозир бир нечта колонкадан сув билан таъминланмоқда.

Экспертларнинг заҳарли химикатлар йўқ бўлиши учун кўп йиллар кераклиги ва Австриянинг кўплаб районларида ҳам ер ости сувлари шубҳасиз саноат чиқиндилар билан заҳарланганлиги тўғрисидаги хабар жамоатчиликда ташвиш туғдирди.

• • •

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Бу ер маъмурлари бўш ётган турар жойларни эгаллаб олган шаҳардаги бошпанасиз гражданларга қарши навбатдаги «операция» ўтказдилар. Шаҳар районларидан бирида 400 тадан кўп полициячи иккита ана шундай уйдан ўнлаб кишиларни зўравонлик билан кўчага ҳайдаб чиқарди.

Бунда полиция 20 га яқин кишини қамоққа олди. Ҳатто расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Ғарбий Берлинда қарийб 90 минг киши бошпана қидирмоқда.

• Бош пландан бир лавҳа

Янги тўққиз қаватли уй

Шаҳримиз д а г и «ТашЗНИИЭП» лойиҳа институтининг бир группа ижодий коллективи — архитекторлар И. Абдулов, М. Дўстмуҳамедова, Р. Мирзаева, инженерлар — Р. Насриддинов, А. Ципишев, Н. Ҳусаиновалар Тошкент шаҳрида бунёд этилажак тўққиз қаватли ҳажм-блоклардан иборат блок-секцияли уйлар лойиҳасини яратишга муваффақ бўлдилар. Бу лойиҳа Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармаси буюртмасига асосан бажарилди. Янги тўққиз қаватли экспериментал уйларни шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳрининг Сергели массивида бунёд этиш мўлжалланган.

Архитекторлар янги уй лойиҳасини яратишда сейсмик зонани ҳисобга олганлар. Зилзилага бардошли бундай уйлар олти блок секциядан иборат бўлади. Хоналар эса Ўзбекистоннинг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда яратилган. Тўққиз қаватли уйда хоналар бир квартиралидан то олти квартиралигача бўлади. Ҳар бир квартирада ёзги айвончалар мавжуд.

∴ ∴ ∴

СУРАТДА: ана шундай уйларнинг чизмадаги кўриниши.

• Биласизми?

БИР ТОТИМ ТУЗ—ЮЗ ОҒИЗ СЎЗ

△ Ош тузининг кимёвий формуласини ҳар биримиз мактаб ёшимиздаёқ билиб олганмиз. Бу натрий ва хлор элементларидан таркиб топган ноорганик моддадир. Ош тузисиз таом тотли бўлмаслиги пазандаларгагина эмас, барчага маълум албатта. Бироқ, шуниси қизиқки, киши тузсиз овқат еса шишиб кетади, шўр овқат еяверса суяк бўғимларида туз тўпланиб чунонам озиб ҳам боради. Бинобарин, бу неъматнинг ҳар ким учун кундалик меъёри шароитга ва таъбга қараб 15 дан 20 граммгачадир.

△ Инсоният йилига 10 миллион тоннадан ҳам кўпроқ ош тузи ишлатади, бу фақат озиқ-овқатга сарфланганидир. Техника, ишлаб чиқариш ва турли маҳсулотлар тайёрлаш технологиясида сарфланадиган ош тузининг миқдори бундан 100 баравар кўпроқдир.

△ Ош тузининг кристаллари қанча қалин бўлмасин, қуёшнинг ультрабинафша нурларини жуда яхши ўтказувчанлиги аниқланган. Бундай ҳоссага эга бўлган моддалар табиатда камдан-кам учрайди. Ҳатто тип-тиниқ дераза ойнаси ҳам бундай нурларни тўсиб қолар экан. Агар ультрабинафша нурлар тўсилиб қолса, ёпиқ жойларда ўстириладиган ўсимликлар яхши ривожланмайди. Полиэтилен плёнкалари тайёрлашда ош тузи ишлатилади. Ана шунинг учун қишда теплицаларда ўстирилган сабзавотлар, мевалар ва ошкўклар қуёш нуридан яхши баҳраманд бўлиб, худди ёздагидек дармондори ва бошқа фойдали неъматларга сероб бўлади.

△ Табиий бойликларнинг кўпчилиги вақти келиб тугаб қолиши мумкин, лекин ош тузи битмас-туганмасдир. Дунё океанида ош тузининг запаслари 120 биллион тонна деб ҳисоблаганлар (1 биллион тонна минг миллиардга тенгдир).

△ Ўрта Ер денгизининг суви энг шўр ҳисобланади. Унинг 1 кубметр сувида 28—31 килограмм туз борлиги ҳисобга олинган. Ваҳоленки бошқа денгиз ва океанларнинг 1 кубметр сувидаги туз миқдори 5—6 килограммни ташкил қилса ҳам, барибир катта бойлик ҳисобланар экан.

К. МАҲМУДОВ.

Ҳикматлар хазинасидан

△ Танбаллик ва сусткашлик инсоният учун зарардир.

△ Уч дардга даво йўқдир: дангасаликдан вужудга келган камбағалликка, ҳасаддан туғилган душманликка ва мансабпарастликдан келиб чиққан касалликка.

△ Хафачиликнинг давоси дўстлар билан дийдор кўришишдир.

△ Донолар билан ҳамсуҳбат бўлиш — ҳосил гуллари билан муаттар бўлган саҳар шамолидан ҳам лаззатлироқдир.

△ Олдин йўлдош топиб, сўнгра йўлга чиқ!

△ Аҳмоқ одам илмнинг лаззатини топмайди.

△ Ҳийлакор одам ажалидан олдин ўлади.

△ Кўршапалак кундуз учсам, гўзаллигимни кўриб одамлар овлайдилар, деб кечаси учади.

△ Давлат ва бахтли ҳаётнинг кетишига сабаб кечалари ароқ ичиб, кундузлари ухлашдир.

△ Яхшилик бахт-саодат, ёмонлик афсус-надомат келтиради.

△ Сизни яхшиликка бошлаган одам асл одамдир.

△ Кўнглингда яхшилик бўлса, тунда тинч ухлайсан.

△ Хотинларнинг яхшиси ҳам муҳаббат, ҳам фарзанд бағишлайди.

△ Меҳрибонлик ҳамма нарсани ўзига ром қилади.

△ Муҳокамада тез кетган эмас, тўғри гапирган ютади.

△ Кўз ҳаракати юракда борини ифодалайди.

△ Кучи етмаган ишга киришган одам ўз жонига қасд этади.

△ Баъзан садафдан ҳам дур чиқмайди.

△ Ортидан пушаймонлик келадиган лаззатнинг фойдаси йўқ.

△ Ҳар бир неъмат қўлдан кетишини ва ҳар бир фалокат бартараф бўлишини унутма.

△ Бола ўз отасининг хосиятига кўра тарбияланади.

△ Илоннинг боласини боққан чақишидан бошқа яхшилик кўрмайди.

△ Ўйламай-нетмай кўнгил истаганини қилган киши охирида расво бўлади.

△ Бугуннинг бир тухуми эртанинг бир товуғидан яхшидир.

△ Қўлингдаги оз нарсани насия бўлган кўп нарсага қурбон қилма.

△ Ўз ҳунарини яхши билган пушаймон бўлмайди.

△ Имоннинг маҳкамлиги ҳаромдан қочишда, йўқолиши тамададир.

△ Садоқатсизлик билан имон бир юракда бўлмайди.

△ Ғолиб келсанг ҳам адолатли бўл.

△ Ердаги ўсимликнинг яхшилиги уруғининг сифатига боғлиқ.

△ Тўқ юрак тўла ҳамёндан яхшидир.

△ Одамнинг шон-шуҳратини сақлаган нарса энг яхши бойликдир.

Ҳ. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. БАҲОДИРОВА: Қурилиш участкаси партия группасига бошчилик қилаётганимга бир йил бўлди. Айтингчи, партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари нега олдин ўтказилади?

Жавоб: Шаҳар партия ташкилоти ҳаётида масъулиятли палла яқинлашиб келяпти. Шу йил 16 августдан бошлаб партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов йиғилишлари бошланади. Демократик централизм принципи партиянинг барча раҳбар органлари қуйидан юқоригача сайлаб қўйилишини кўзда тутади. Шунинг учун ҳисобот-сайлов йиғилишларини дастлаб энг қуйи звеноларда — партия группаларида, цех партия ташкилотларида ўтказиш керак. Нега шундай қилинади?

Ҳисобот ва сайловлар ўтказишнинг бундай тартиби коллективда партиявий иш тажрибасини тўлароқ умумлаштириш, ишдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, ҳисобот докладларини муҳокама қилишда ўша йиғилишда сўзлаганларнинг фикрлари, т а н қ и д и й мулоҳазалари ва таклифларигина эмас, шу билан бирга партия группалари, цех партия ташкилотлари йиғилишларида партия аъзолари ва кандидатлари томонидан айтилган фикр ва таклифларни ҳам назарда тутиш, уларни йиғилиш қарорида ифода этиш имконини беради.

∴ ∴ ∴

К. САИДУЛЛАЕВА: Ҳунар-техника билим юртини бу йил тугалладим. Бизга, яъни билим юрти битирувчиларига қандай имтиёзлар белгиланган? Шуни билишни жуда истардим.

Жавоб: Ҳунар-техника билим юртини битириб чиққанлар учун қонунга мувофиқ меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминловчи қўшимча юридик кафолатлар белгиланган. Унда таъкидланишича, ҳунар-техника билим юртларини ёки техника билим юртларини битириб чиққан ёш ишчилар ўз ихтисоси ва малакаси бўйича иш билан таъминланадилар. Битирувчиларга ўз ихтисоси ва малакаси бўйича идоралараро ва республикалараро ёш ишчилар ва мутахассисларни ишга тақсимлаш планига мувофиқ йўлланма берилади. Бу йўлланма маъмуриятга билим юртини битириб чиққан ёш ишчига зарур меҳнат ва турмуш шароити яратиб бериш вазифасини юклайди.

∴ ∴ ∴

К. БАҲОДИРОВ: Яқинда балоғатга етмаган ўғлимни ёнимиздаги фабрикага ишга жойлаштирмоқчи бўлсам, маъмурият буни балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи район комиссияси ҳал қилади, деди. Шу тўғрими?

Жавоб: Балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи район комиссиялари комсомол ташкилотлари, халқ маорифи, ҳунар-техника таълими, социал таъминот, милиция органлари билан биргаликда ва жамоатчиликнинг кенг иштирокида — ота-онасиз қолган ўсмирларни, она-онаси бор бўлса ҳам болалар тарбияси учун зарур шароит яратиб берилмаган норасидаларни, мактабни ташлаб кетган, ёрдамга муҳтож бўлган балоғатга етмаганларни аниқлаб, ҳисобга олади ва уларни бирон жойга жойлаштириш чораларини кўради.

Шанба оқшоми

△ МЕЪМОРЧИЛИК УСТАХОНАЛАРИДА △ ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН △ САФАР ТААССУРОТЛАРИ △ АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

• Нодир маъданлар

ОЛТИН НЕГА ЗАНГЛАМАЙДИ?

Олтин — инсонга қадимдан маълум бўлган энг биринчи металлардан. Топилмалардан олтин буюмларнинг милоддан 5—4 минг йил илгари ясалгани маълум бўлди. Миср, Месопотамия, Ҳиндистонда милоддан аввал 3—2 мингинчи йилларда олтин қазиб олинган ва ундан турли буюм ва безаклар ишланган, кейинчалик пул зарб қилинган.

Олтин табиатда кўпинча эркин ҳолда учрайди. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда оз, улардан муҳими калаверитдир. Соф олтин майда зарралар ҳолида кварцга ва баъзан ҳар хил сульфидли рудаларга, олтин зарралари эса кўпинча қумга аралашган бўлади.

Кимёвий жиҳатдан жуда пассив бўлган бу элемент ҳавода ёки бошқа моддаларда ҳеч бир ўзгармайди. Олтин юмшоқ, пластик бўлганлиги учун ҳам унинг кумуш ёки мис қўшиб тайёрланган қотишмалари ишлатилади. Умуман, сульфат, нитрат ва бошқа эритувчиларда эримай, у фақат зар сувида эрийди. Хлор билан бирикади ва бирикмаларидан осонликча қайтарилиб, комплекс бирикмалар ҳосил қила олади.

Олтин рудалардан бир неча усулда ажратиб олинади. Масалан, олтинли қумни сув билан ювиб зарралар ҳолида ажратиб олинади. Олтин амальгамация усулида ҳам бойитилади. Унинг цианид эритмасида (кислород иштирокида) ва хлорли сувда эришидан олтин ажратиб олишда фойдаланилади.

Қуйма олтин ва олтин девиз стандартлари даврида миллий валюта баҳоси билан олтин баҳолари ўртасида деярли фарқ йўқ эди. Масалан, Буюк Британияда 1967 йилда фунт стерлинг девальвация қилингач, аста-секин товарларнинг баҳоси ошди. Олтин баҳолари бирдан тез пасайди. Ҳозирги шароитда ҳар бир мамлакатнинг олтин баҳолари товарларнинг миллий валюта билан ифодаланган ҳақиқий баҳоси ҳамда шу валюта асосида олтиннинг бозор баҳоси билан белгиланиши мумкин. Ички товар айрибошлашда олтин баҳолари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Халқаро савдода, баъзан товарларнинг баҳолари олтин пул бирликларида белгиланади ва товар ҳақи миллий валютадаги фактик олтин қиймати негизида тўланади.

Олтин муаммоси ва олтиннинг мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракати, яъни олтин стандарти муҳим ўрин тутади. Олтин монетлар муомалада бўлиб, қонуний тўлов воситаси ҳисобланган. Олтин стандарт дастлаб Буюк Британияда 1321 йилдан, Франция, Германия, Россия, Италия, Япония, АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатларда XIX асрнинг охирги чорагида жорий этилди. Айрим мамлакатлар пул системаси ягона нисбий барқарор жаҳон валюта системасига айланди. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) авж олиб, капитализмнинг умумий кризиси бошланган даврда олтин монет стандарти ҳалокатга юз тутди. У қоғоз пул муомаласи билан алмаштирилди. АҚШнинг олтин запаси камайиб кетганлиги учун 1971 йил 15 августдан бошлаб долларга олтин алмаштириш тўхтатилди.

О. КАРИМОВА, инженер-технолог.

• Маданият янгиликлари

САЙЁР КЎРГАЗМА

Хивадаги Ичан-қалъа қўриқхона-музейи ташкил этган сайёр кўргазма область бўйлаб сафарга жўнатилди. Ўзбек кинематографиясининг асосчиси Худойберган Девонов суратга олган ноёб фотосуратлар ўша йиллардаги газеталар, варақалар ва плакатлар Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, босмачиларга қарши кураш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тўғрисида ҳикоя қилади. Кўргазманинг махсус бўлими хоразмликларнинг Улуғ Ватан урушидаги иштирокига бағишланган.

Экспонатларда Хоразмнинг бугунги куни тасвирланган. Ҳозирги вақтда Хоразмда пахтадан дунёда энг юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Дашт-биёбонлар ўрнида катта-катта сув омборлари ва электр станциялари барпо этиб, бепоён майдонларда шоли етиштирилмоқда.

Кўргазма Туркманистоннинг Тошовуз областида ҳам намойиш қилинади.

(ЎзТАГ).

«Учқун» тўқимачилик—галантерея бирлашмасининг бадиий безакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш филиалида аёллар учун мўлжалланган чиройли рўмоллар кўплаб тайёрланмоқда. Уларнинг аксарият қисми давлат Сифат белгиси билан муҳрлангандир.

СУРАТДА: фахрли беш қиррали белги билан тайёрланаётган рўмоллар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.



Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дам олиш зонасида.

М. Нуриддинов фотоси.

Ҳалоскор қувончи

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Саратон. Қуёш тиккага келган, тафти баланд. Ҳароратнинг бу қадар юқорилигидан жонзоднинг барчаси ўзини соя-салқин жойга урган.

Одатдаги дам олиш кунининг бирида биз ҳам Чирчиқ дарёси соҳилига чиқдик. Мақсадимиз бу ерда ҳордиқ чиқариб қайтиш эди. Биз ҳам дарё бекатидаги гавжум дарахтлар тагидан ўзимизга жой танладик. Аввал бир оз тамадди қилиб олдик, сўнгра Чирчиқда мириқиб, мазза қилиб чўмилдик. У ёқ-бу ёққа юриб, чўмилиб толиқдик, бироз мизғиб олмоқчи бўлдик. Ўғлим Баҳром билан алоҳида ерга полос тўшаб ётдик. Энди кўзим уйқуга кетган ҳам экан, қулоғимга «чўкаяпти», «чўкаяпти», «ёрдам қилинг», «дод!», —деган овоз чалинди.

Етган жойимдан турай деймону, туролмайман. Илтижо билан ёлвориш фарёди эса, янада авжига чиқди. Шунда бор кучимни тўплаб, иргиб туриб кетганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Кўзимни ишқаладиму, атрофимга қарадим. Биздан анча узоқда бир аёл, икки ёш боланинг дарё ёқасида «дод» солиб чопишаётганига дарҳол нигоҳим тушди. Тезда ўша томонга югурдим. Дарёда икки қўл бир кўриниб, бир йўқолиб кетаётганини кўрдим. Шу ондаёқ ўзимни тез оқар Чирчиққа отдим. Чўкиб кетаётган одамга дарҳол етиб олдим, сочидан бир қўлимда ушлаб, қирғоққа тортдим. Бироқ, — шу вақтнинг ўзида унинг икки қўли менинг бўйнимга осилди. Шундай қилиб, чўкаётган киши бор кучи билан мени ҳам пастга торта бошлади. Нима қилиш керак? Ваҳимадаман! Ҳаётим хавф остида қолди. Чўкаётган одам ўтга ҳам, хасга ҳам осилишини шунда билдим. Ҳа, шундай бўлса-да, бор кучимни тўплаб, бир илож қилиб ўнг соҳилдаги бир туп толга қараб талпиндим. Толиемдан минг бор ўргилайки, оқимнинг ўзи менга ёрдам қилди. Мажнун толнинг осилиб турган шоҳидан бир илож қилиб маҳкам ушлаб олдим. Энди ташвишлардан узоқлашганимга кўзим етди. Шундай қилиб, кучимга-куч, қувватимга-қувват қўшилди.

Шу чоқ бояги «дод» солган аёл ва уч-тўрт эркак кишилар етиб келишди. Улар ёрдамлашиб, бизни сувдан соҳилга олиб чиқишди.

— Раҳмат, болам! Болаларингизнинг ҳузур-ҳаловатини кўринг. Сиз бўлмаганингизда Рустамжондан ажралгандим, — деди ёши қирқ-қирқ бешлардаги, истараси иссиқ, ўрта бўйи, оққувадан келган аёл.

— Саломат бўлинг, арзимайди, — дедим мен, — энг қувончлиси бола омон қолди.

Бошқа етиб келган эркак кишилар Рустамжонни дўстаман ётқизиб, ютган сувларини унинг оғзидан чиқаришга ҳаракат қилишарди. Бу пайт иссиқ ҳароратини анча пасайтирганди. Биз ҳам шаҳарга — уйга қайтишимиз керак эди. Шу сабаб, ўрнимдан турдим. Узоқдан эса, ўғлим Баҳромнинг «дада» деган овози қулоғимга чалиниб қолди. Мен эса «ҳозир бораман» деб ўғлимга жавоб бердим. Бу вақт Рустамжон ҳам кўзини очиб қолди. Буни кўриб, анча таскин топдим, орқага, оилам томон юрдим. Шу он:

— Ўғлим, тўхтанг?! — деди бояги аёл.

— Хўш, ая,—бир оз ўзига келган аёлга қарадим.

— Исми-шарифингизни ҳам айтмадингиз, танишиб олайлик, — деди у.

—Ҳаётжонман. Тошкентнинг... даҳаси, кўчада... уйда турамиз.

— Ана холос, биз ҳам Тошкентда турамиз,... исмим Башорат...

— Раҳмат!

Хайрлашдим.

...Орадан бир ой ҳам ўтмай, газеталардан бирида Рустамжоннинг ҳаласкори — камина ҳақида, Башорат холанинг миннатдорчилик мақоласи эълон қилинди. Мен бир қанча вақт таниш-билишларим орасида хижолат бўлиб юрдим. Бироқ, кўпгина ҳамкасбларим менинг бу ишимни гапириб фахрланиб юришди. Кейинчалик бу воқеа ҳам унут бўлиб кетди.

Орадан яна неча йиллар ўтди. Ҳа, умр ўтиб кетаверар экану, хотираларгина эсдалик бўлиб қолаверар-кан.

...Эски шаҳардаги ҳовлимиздаман. Ҳовли саҳнида катта бир туп шотут бор. Ана шу шотут тагида, неварам Беҳзод билан ўтирибмиз. Неварам эса мени гапга тутгани-тутган. Буни десам — уни дейди, уни десам — буни дейди. Айниқса, боланинг ўйинидан ҳам, қилиғи, чучмал-бурро сўзлари одамга ҳузур бахш этар экан. Ана шу зурриёт гавҳарининг меваси — неварамдан қувониб-шодланиб турганимда, бирдан эшик қўнғироғи чалиниб қолди.

— Ким у?

— Менман, амаки, Рустамжонман, — деди ташқаридаги овоз.

Неварамнинг қўлидан ушлаб бориб шошмайгина очдим. Остонада йигирма беш ёшлардаги чиройли, барваста йигитга кўзим тушди. Ҳар қалай, бу йигитни танимадим. Шундай бўлса-да, одатга кўра:

— Марҳамат, уйга кирсинлар, —дедим.

— Раҳмат...— Йигит ийманиб ҳижолатомиз ҳовлига кирди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Сўнгра жойимдан туриб, чойга ҳаракат қилмоқчи бўлгандим:

— Ҳожати йўқ. Ҳаётжон ота, — деди йигит мулойимлик билан,— сиз мени танимадингиз шекилли. Ойим кўпдан-кўп салом айтиб юбордилар. Сизни эса, тўйга таклиф қилиб келгандим. Йўқ, демайсиз... Ҳа, айтгандай, холамларни ҳам бирга олиб боришни унутманг.

— Ўғлим, сўраганнинг айби йўқ, сизни танимаяпман. Кимсиз ўзи? Қаричиликда, қариликнинг аломати, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Рустамжонман, Чирчиқдан...

— Э-э, ҳа, бўлди, танидим. Ўша сизмисиз? —Бирдан юзимга қон гупуриб келди. Рустамжонни қучоқлаб бағримга босдим. Гўё қайтадан ҳаётга келгандек бўлдим, кўзларимда қувонч ёшлари қалқди.

— Албатта тўйингга бораман, ўғлим, — дедим севинч билан.— қўшганинг билан қўшакаригин.

Салқин оқшом қўнган. Рустамжонлар ҳовлиси тўй либосига бурканган. Ҳамманинг қалбида шодлик жўш уради. Рустамжон шундай ажойиб йигит бўлибдики, унга ҳамма ҳавас қилади. Бугун у уйланяпти. Қарангки, у яқинда докторлик диссертациясини ёқлаган экан. Тўй устига тўй бўлиб кетди.

Мен ўша Чирчиқ дарёсига ғарқ бўлаётган жажжи Рустамжонни қутқарганимдан ҳозир олам-олам қувониб ўтирибман.

Ҳ. ХАБИБУЛЛАЕВ.

МЎЪЖИЗАЛАР ОЛАМИДА

△ Бугунги кунда энг катта кема Францияда қурилган «Батиллуе» танкеридир. Унинг узунлиги 414 метр. Сув сиғими — ярим миллион тонна келади.

△ Японияниг Окинава оролида энг баҳайбат акула тутилди. Унинг узунлиги 5 метру 6 сантимер келди. Оғирлиги бир тонна-ю, 750 килограмм.

△ Ер юзида энг пакана дарахтлар Гренландия тундрасида ўсади. Бу — митти мажнунтоллардир. Уларнинг бўйи 5 сантиметрдан ошмайди.

△ Норвегияда энг узун ёғоч нарвон қурилган. 1955 йилда ясалган бу ёғоч нарвоннинг узунлиги бир километрдан ортиқ, нарвонда 3175 та поғона бор.

Ш. АЛИМОВА тайёрлаган.

Ҳар тўғрида

УЗОҚҚА САКРАШДА...

Ҳайвонлар ўртасида ким баландликка ва узунликка сакраш мусобақасини ўтказсак, от 2 ярим метр баландликдан бемалол ўтган ва 8 метр масофага сакраган бўлар эди.

Қуён 3 метр баландликни ишғол этиб, отдан ўзиб кетган бўларди. Аммо у, 7 метр узунликка сакраб от кўрсаткичига ета олмасди.

Буғи 2 ярим метр баландликдан хатлаб ўтиб, от кўрсаткичига эришган бўлса ҳам, 12 метр узунликка сакраб жаҳон рекордини ўрнатган бўлар эди.

ҚАЙСИ ЖОНИВОР КЎП ЯШАЙДИ!

Капалаклар атиги бир неча соат умр кўради. Сичқон 3 йил. Каламуш 4 йилгача яшайди. Булбул узоқ умр кўрганда 12 йилдан 18 йилгача одамларга хизмат қилади.

Касал бўлмай ёки бирон фалокатга йўлиқмаса: ит 20 йилгача, акула 25 йилгача, шер, мушук, дельфинлар 30 йилгача, кўлвор илон 33 йилгача, маймун 40 йилгача, от 55 йилгача, укки 68 йилгача, ҳинд филлари 70 йилгача, оққушлар 80—100 йилгача, тошбақалар 150—200 йилгача яшай оладилар.

С. ҒАФУРОВ.

Дам олиш соатида

ЧАЙНКРОССВОРД

Ҳурматли оқшомхон! Қуйидаги чайнкроссворд дастлаб 1 дан 17 гача бўлган номерлардаги сўзлар ҳал этилиб, сўнгра 18 дан 29 гача бўлган номерлардагилар ечилади.

1 ДАН 17 ГАЧА: 1. Машҳур озарбайжон ёзувчиси, философ-материалист. 2. Узоқ Шарқдаги шаҳар. 3. Уч совет рассоми, сатира усталари. 4. Жаҳонда энг кучли профессионал футбол клуби. 5. Араб давлатларидан бири. 6. Ватанимиз шимолидаги ярим орол. 7. Капиталистик давлат пойтахти. 8. Тропик ҳайвон. 9. Ер шарининг модели. 10. Афғонистонда чиқадиган белуж тилидаги ҳафталик газета. 11. Ўзбек совет шоири. 12. Ёзувчи Ойбек асарларидан бирининг персонажи. 13. Миллий ширинлик тури. 14. Совет авиаконструктори. 15. Европадаги энг катта дарё. 16. Химиявий элемент. 17. Аҳолиси энг кўп бўлган шаҳар.

18 ДАН 29 ГАЧА. 18. Сўз туркуми. 19. Шеър ёзувчи шахс. 20. Франциядаги дарё. 21. Ер юзида энг катта бўлган Японияидаги вулқон. 22. С. Айний асари. 23. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси. 24. Уй ҳайвони. 25. Дангаса қуш. 26. Юнонистон астрономия илмининг маъбудаси. 27. Ғарбий ярим Шардаги оролга жойлашган мамлакат. 28. Қадимги сарой тури. 29. Шри-Ланка давлатининг пойтахти.

Тузувчи: И. МИРЗАЕВА.

17 ИЮЛДАГИ «ЦИКЛОКРОССВОРД»НИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Седана. 2. Апатит. 3. Харита. 4. Манпар. 5. Трасса. 6. Таштам. 7. Рассом. 8. Польша. 9. Мамонт. 10. Осетин. 11. Новвот. 12. Курама.

• • •

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга А. Аюбов, М. Қодиров, Т. Қурбонова, З. Абдуллаева, М. Парпиев, Х. Комилов, Ф. Ҳошимов, И. Пўлатов, Ш. Ортиқхўжаев, С. Нурматова, А. Расулов, М. Соатова ва бошқа оқшомхонлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган ўртоқларга редакция ташаккур билдиради.

НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ—ТУМОР ЭМАС...

Зиравор омилларнинг мумтозларидан бири қалампирмунчоқ ҳисобланади. Қалампирмунчоқ — миртдошлар оиласига мансуб қалин ва ялтироқ баргли, гуллари ниҳоятда жозибадор дарахт бўлиб, унинг асл ватани жанубий Осиё ороллари ҳисобланади. Яшилликдан муқим либос олган қалампирмунчоқ дарахтининг ниҳоятда чиройли, ял-ял гуллари оламга достон бўлган.

Қалампирм у н ч о қ нинг ҳали очилиб улгурмаган ғунчалари териб олиниб қуритилса, унинг ранги қўнғир тус олади. Мазкур ўсимлик маҳсулоти дунё кўламида энг тотимли, хушбўй анбар исли зиравор сифатида танилган.

Қалампирмунчоқ Молук оролларида кўп ўсади. Ҳозирда эса Реюньон (Бурбон), Занжибар ҳамда Мадагаскар оролларида ҳам экилмоқда.

Қалампирмунч о қ н и араблар каранфул деб аташар эди. Ўзбекча қалампир сўзининг келиб чиқиши шу ўзакнинг асоси бўлган.

Қадимий табибларнинг қолдирган маълумотларига қараганда, қалампирмунчоқ сассиқ кекирдак касаллигига шифолик қилиб, оғиз ҳидини кетказади, кўзнинг илғаш қувватини ўткирлаштиради, кўзга тушаётган пардалардан холос қилиши мумкин. Қалампирмунчоқ меъда ва жигар фаолиятини яхшилайди, кўнгил айнишига ва қусишга хотима беради.

Илмий медицинамизда қалампирмунчоқ ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаш учун, қорин дамлашидан холи қилувчи омил сифатида қўлланилиб келади.

Шуни айтиш керакки, аксарият кишилар тишларини даволатишдан жуда қўрқишади, мабодо стоматолог тишга қалампирмунчоқ мойидан («Масло гвоздики») қатрагина қуйса, оғриқсизлантирувчи (анестезия) ҳамда дезинфекцияловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Қалампирм у н ч о қ нинг гул ғунчаларидан олинадиган анбар мойлар таркибида 22 процент шифобахш эфир мойи мавжуд бўлиб, унинг 95 процентини эвгенол ташкил қилади. Эвгенол табобатда кенг кўламда ишлатилгани туфайли, уни, саноат миқёсида эвгенол райҳони ҳамда эвгенол комелияси ўсимликларидан олинмоқда.

Баъзан ёш гўдакларнинг дўмбоқ билакларида қалампирмунчоқ маржонини кўриб қоламиз, бу табиатан «инс-жинс»дан холи қилувчи манба сифатида диний эътиқодга сазовор бўлган одат ҳисобланса-да, бироқ илмий назардан қараганда, мазкур маржонлардан микробларга қирон келтирувчи омиллар ажралиб турадилар.

М. НАБИЕВ, доришунос.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

31 ИЮЛЬ, 1982 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕ ВИДЕ НИЕ

2 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 10.40 «Емғирда олинган портрет». Бадиий фильм. 12.10 Кабарда-Балқар АССР «Кабардинка» Давлат рақс ансамблининг концерти. 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ягона оилада». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Эртанги кун ташвишлари» (Минск, Рига). «Ҳамдўстлик уфқлари» (Кишинёв). «Рус тили дарси» (Вильнюс). «Бир оилада» (Таллин). 16.30 Оналар мактаби. 17.00 «Музикада поэзия».

18.00 Т. Хренников. 3-симфония. 18.15 «Ҳайвонлар қишлови», «Этик кийган кучук». Мультфильмлар. 18.45 «Қаттиқ нон таъми». Ҳужжатли фильм. 18.50 Футбол шарҳи. 19.20 «Партия планлари — халқ планлари». КАТЭК. Шарипово шаҳри қурилиши муаммолари. 19.50 «Румянцевнинг иши». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 «Серенада». Музикали адабий композиция.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

Профилактика муносабати билан душанба, 2 август куни Марказий телевидениенинг II Умумиттифоқ программасида кўрсатувлар намойиш этилмайди.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ялқовлар ҳақида». Қўғирчоқ фильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Кичик темир йўл». 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 20.10 «Шеърият дафтаридан». Ҳ. Худойбердиева. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ешлар куйлайди». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Хотира белгиси». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тантанали равишда қасамёд этаман», «Танк ҳақида афсона». Телефильмлар. 19.00 «Қизиқувчилар экрани». 19.30 «Изланган топади». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Э. Брагинский, Э. Рязанов. «Кўзбўямачилар». Москва область драма театрининг спектакли.

3 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Халқ чолғулари садолари». 10.20 «Румянцевнинг иши». Бадиий фильм. 12.00 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Менга тегма». Ҳужжатли фильм. 15.45 А. Н. Островский. «Бўрилар ва қўйлар». 16.40 Халқ куйлари. 16.55 Рус тили.

17.25 Халқаро конкурслар лауреати В. Постникова чалади (фортепьяно). 18.15 «Стадион ҳамма учун». 18.45 «Экономика тежамли бўлиши керак. «Бригадаларни ташкил этиш — ижодий иш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Мамлакат далаларида». Қозоғистонда ҳосил ўрим-йиғимига тайёргарлик ҳақида. 19.45 «Эзоп». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск)— «Динамо» (Тбилиси). Минскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Лўлилар қирғоғи». «Саҳронинг келажаги». 10.10 «Мушукча Женя ва кўча ҳаракати қоидаси», «Кичкина ёнут». Мультфильмлар. 10.25 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 Литва ССР «Летува» Давлат академик хизмат кўрсатган халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 11.40 «Дастлабки беш йилликлар қурилишлари». 12.10 Болалар учун фильм. «Ўрмон аргимчоқлари». Бадиий фильм. 13.15 «Инсон. Ер Коинот». 14.00 Д. Кабалевский. С. Маршак таржималарида Шекспирнинг 10 та сонети. 14.25 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув программаси. 15.10 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 15.45 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.20 «Фан оламида». 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Модель». Илмий-оммабоп фильм. 19.00 Мотоспорт бўйича СССР чемпионати. Уфадан олиб кўрсатилади. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.00 «Яроқсиз». Телевизион бадиий фильм премьераси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Рамална». Болалар учун телеспектакль (рус.). 13.15 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 14.15 «Хотира белгиси». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қизча ва юлдузча». Қўғирчоқ фильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.). 18.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ўзбекистон музика санъати арбоблари». Ю. Ражабий (такрорий). 20.30 «Аҳборот». 20.50 «Ўзбекистон музика санъати арбоблари». Ю. Ражабий (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 Телевизион театр. М. Толибов. «Адолат». 00.20 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Смена дарсдан бошланади», «Гребешок», «Нон ҳақида диалог». Телефильмлар. 19.20 Реклама. 19.40 «Тоғлар, тоғлар». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Пассажир — азиз меҳмонимиз». Автотранспортда пассажирларга хизмат кўрсатиш ҳақида. 20.50 «Шимол этюдлара». Телефильм. 21.30 МТ II.

4. АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00«Время». 9.40 «Қувноқ ноталар». 9.55 «Киносаёҳатчилар клуби». 10.55 «Эзоп». Телевизион бадиий фильм. 12.40 «Кунермагача борадиган тезюрар поезди». Ҳужжатли фильм. 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Уй». «Никифоровичлар». 16.05 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг вазияти». 1-серия. («Ўзбекфильм). 17.10 «Горнчилар, қаердасиз!».

17.55 «Л. Бетховен. Скрипка ва оркестр ижроси учун 2 та романс. 18.15 «Ёшлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Е. Сапогова куйлайди. Свердловскдан олиб кўрсатилади. 19.45 «Жасорат». Сталинград жангининг 40 йиллигига. 20.15 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Катталар учун контроль иш». 3-кўрсатув. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 С. Рахманинов. «Симфоник рақслар».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Яроқсиз». Телевизион бадиий фильм. 10.45 «Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Ижод учун патент». «Коррозияга қарши қандай курашиш керак!». 11.15 Немис тили. 11.45 Социалистик халқ хўжалиги. 12.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.00 Болалар учун фильм. «Бешинчи чорак». 14.25 Е. Гороховская концерти. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 15.15 «Қувноқ стартлар». 16.00 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 16.25 Гнесинлар номли Давлат музика-педагогика институтининг РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби О. Агарков раҳбарлигидаги камер оркестри чалади. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Сизни кутаман, ойижон». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 Спорт ҳафталиги. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Рус халқ қўшиқларидан концерт. 21.00 «Ҳамдўстлик». 21.30 «Время».

СПОРТ ПРОГРАММАСИ

22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Спартак». «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 Велоспорт бўйича СССР чемпионати. Крилатскоедаги спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Пионер горнлари янграйди». Фильм-концерт. 12.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма. 12.40 «Дала ҳовли». Кинокомедия. 14.05 «Педагог кадрлар маскани». Термиз Давлат педагогика институти.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Жасур Робингуд». «Бизнинг энагамиз». Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 «Тенгдошлари ижоди». 19.00 Қорақалпоғистон АССР Давлат санъат музейи (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ўзбекистон телевидениесининг иқтисодий шарҳи». Кўрсатувни иқтисод фанлари доктори А. Абдуғаниев олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Икки миллион тонна «қаҳрабо дон» учун». 22.20 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.35 «РСФСР халқ артисти Л. Марков» (рус.). 23.55 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сенга камалак ҳадя этаман». «Оддий сўз эмас». Телефильмлар. 18.50 СССР халқларининг куйлари. 19.20 «Халқ фаровонлиги учун». (рус.). 19.50 Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. «Политотдел» (Тошкент области) —«Связист» (Боку). «Политотдел» колхозининг стадионидан ёзиб олинган репортаж. 21.30 МТ II.

5 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Орлёнок» маршрутлари бўйлаб. Куйбишевдан олиб кўрсатилади. 10.10 Кубань Давлат казаклар хорининг концерти. 10.55 «Шикотан бўёқлари». Илмий-оммабоп фильм. 11.15 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.25 Болгар композиторларининг асарларидан концерт. 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Энергетикларнинг уфқлари». «Бурч ҳисси». 16.25 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг васияти». 2-серия. 17.30 «Шахмат мактаби». 18.00 «Ўсмирлар ижоди». Сидзуока шаҳар болалар хорининг концерти. (Япония). 18.30 «Бригада». Телевизион очерк. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Алкоголизм ҳақида суҳбатлар. 20.00 Бах — Бузони. «Чакона». Халқаро конкурс лауреати М. Плетнёв ижро этади (фортепьяно). 20.20 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Москва академик хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Адабий ўқиш Л. Мартинов. «Ҳаво кемалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Табиат сирлари». «Тиниқ магнитлар». 9.45 «Фақат мюзик ҳолда». Телевизион бадиий фильм. 10.50 «Горнчилар, қаердасиз!». 11.35 Оналар мактаби. 12.05 Испан тили. 12.35 «Сунтар — Олонхо ери». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.05 «Жиноят». Бадиий фильм (субтитр билан). 2-фильм — «Алдаш». 1- ва 2-сериялар. 15.20 «Москвичка» телевизион клуби. 16.50 Янгиликлар

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 19.30 «9-студия». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Молдавия ССРда хизмат кўрсатган «Жок» халқ ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Ўша Саша». Телевизион бадиий фильм. 23.15 Велоспрот бўйича СССР чемпионати Крилатскоедаги спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Кичик сеҳргарлар» (такрорий). 12.15 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма. 13.00 «Қувноқ воқеалар». Бадиий фильм.

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Болалар учун фильмлар: «Казаклар қандай қилиб футбол ўйнашди!». «Денгизлар, тоғлар ортида». 18.35 «Врач суҳбати». 18.50 «Ешлик студияси кўрсатади». «Интернационал дўстлик клуби». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ливандан қўлингни торт!». Адабий кўрсатув. 20.00 «Интернационализм амалда». Ўзбекистон —Ноқоратупроққа (рус). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ванина Ванини». Стендалнинг шу номли романи асосида телевизион бадиий фильм (ГДР). 00.15 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Телефильм. 18.30 «Ҳужжатли кино экрани». 19.15 «Клавесин чалганда». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Тўқувчи», «Узоқдан Зарафшонга», «Қишлоқ Советининг депутати», «Совет хотин-қизлари» туркумидан телефильмлар. 21.30 МТ II.

6 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Айболит ва Бармалей», «Ўргимчак Ананси ва сеҳрли таёқча». Мультфильмлар. 10.15 «Қалбга яқин қўшиқлар». 11.00 «Ҳар бир қалбда ўз ифодасини топади». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.30 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 2-серия. 12.40 РСФСР халқ артисти В. Городовская ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Чеканова ижро этадилар (гусли). 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Олимлар — қишлоққа». Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Шажарага йўл», «Жонли тупроқ», «Гранулада ҳосил программаси», «Академик В. Н. Ремесло буғдойи». 16.10 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг васияти». 3-серия. 17.15 «Савия Андина» ансамбли ижро этади (Боливия).

18.00 «Сизга манзур бўлган шеърлар». 18.30 «Москва комсомолининг ишлари». 19.00 «Сенинг офтобинг борми». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Белоруссия олимлари — Озиқ-овқат программасига. 20.00 «Печора альпларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Безовта Америка ҳақида репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 22.30 Рига шаҳар ўрта музика мактабининг болалар хори ҳамда Латвия ССР халқ артисти Р. Пауленснинг консерваториянинг Катта залидаги концерти. 23.15 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Уй биографияси». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.50 «Ўша Саша». Телевизион бадиий фильм. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, вице-адмирал Г. И. Шчедрин билан учрашуви. 12.15 Шахмат мактаби. 12.45 Болалар учун фильм. «Яшил патруль». 14.00 «Пярно мозаикаси». Фильм-концерт премьераси. 14.30 «Совет дипломи». Ҳужжатли фильм. 15.20 Д. Шостакович. Квинтет. 15.55 Рус тили. 16.25 Совет қўшиқларидан концерт. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Катта ёшдагилар учун арифметика». Илмий-оммабоп фильм. 19.00 Ж. Верди. «Реквием». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Бокс бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Бир стакан сув». Телевизион бадиий фильм 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Кенжа қиз». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.50 «Қизиқарли учрашувлар». Еш мухбирларнинг хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Ў. Файзуллаев билан учрашуви. 13.20 «Севан ҳақида достон». Телефильм. 14.10 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Эртак бошланади». Қўғирчоқ фильм. 18.35 «Шўълали тонглар шаҳри». Телефильм. 19.00 «Фан— ишлаб чиқаришга». Тошкент трактор заводи (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 Муборак район татар халқ вокал-чолғу ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Калинин районининг қишлоқ меҳнаткашлари ўз сўзларига амал қилмоқдалар». 22.35 «Эртага — премьера». Кўрсатувни Ф. Мусажонов олиб боради. 23.45 Янгиликлар.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Денгиздан эсаётган шамол». Телефильм. 19.15 «Қонун қўриқчилари». 19.45 «Нургуж заказниги». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Бахт ваъда қилиб». Телевизион бадиий фильм (рус.). 21.30 МТ II.

7 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Ленинград шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи болалар бадиий коллективлари ижро этади. 10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.45 «Спортлото»нинг тиражи. 10.55 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.05 «Менинг қадрдон Подмосковьем». Концерт. 12.55 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 13.25 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 14.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Латвия ССР «Дайле» Давлат рақс ансамблининг концерти. 14.40 «Поэзия». Михаил Луконин. 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг вазияти». 4-серия. 16.50 «Ҳайвонот оламида». 17.50 «Ҳужжатли фильм».

18.00 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.30 Мультфильмлар. 19.10 «Ёз». Кинолавҳа. 19.20 Останкино концерт студиясида кинорежиссёр С. А. Герасимов билан учрашув. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.20 Усть-Илим комплекси —Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг қурилиши!. Илмий-оммабоп фильм. 9.45 «Бир стакан сув». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 10.50 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.20 «Лаҳзалар, бир зум тўхтанг!». 11.50 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.50 «Театр афишаси олдида». 13.50 «Балиқчи ва унинг хотини». Телевизион бадиий фильм (Финляндия). 14.25 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 15.55 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал. 16.05 **КАРЕЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.**

17.05 Бокс бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади. 17.50 «Музикали киоск». 18.20 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 19.05 Халқаро обзор. 19.20 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1950 йил». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Бокс бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Ва шундай кун келади». Телевизион бадиий фильм 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Хоразм область болалар бадиий ҳаваскорлик коллективлари ижро этади (такрорий). 11.40 «Кинопублицист экрани» (рус.). 12.25 «Ленинград булбуллари». Фильм-концерт. 13.15 «Салом, болалар». Бадиий фильм. 14.35 Қурувчилар кунига. «Беш кунлик тўрт кунда», «Қурувчилар», «Мен уй қуряпман». Телефильмлар.

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Болалар учун концерт. 18.15 «Уч кун ва икки йил». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ўзбектелефильм») рус.). 19.25 «Ахборот» (рус.). 19.40 «Инсон ва қонун». 20.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Андижон области 21.30 Москва. «Время». 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». (давоми). Кўрсатув тугагач. — Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Болалар учун. «Қуёш, ҳаво ва сув — бизнинг энг яқин дўстимиз». 19.00 Янгиликлар. 19.20 «Завод гуллар ҳадя этади». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Табиат ва биз». 20.00 «Ахбор». 20.25 Кинолавҳа. 20.45 Концерт. 21.30 МТ II.

8 АВГУСТ — ЯКШАНБА

ҚУРУВЧИЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 10.25 «Будильник». 10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.40 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.10 «Қишлоқ янгиликлари». 14.10 «Музикали киоск». 14.40 М. Анчаров. «Ақл бозар қилмайди». М. Ермолова номли Москва драма театрининг фильм-спектакли. 16.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 17.30 «Бугун — Қурувчилар куни». СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Б. В. Бакин билан суҳбат.

17.45 «Хатларингиз асосида...». Қурувчилар кунига бағишланган музикали программа. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Бодрингвойнинг саргузашти», «Уч банан». Мультфильмлар. 19.45 «Менинг мулойим ва майин жониворим». Бадиий фильм («Мосфильм» ва «Интер-альянс фильм» (Ғарбий Берлин) маҳсулоти. 21.30 «Время». 22.05 Музикали программа (Франция). 22.55 Бокс бўйича СССР чемпионати. Финал. Донецкдан олиб кўрсатилади. 00.25 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.20 Қурувчилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси: «Камалак жилолари», «Уйсозликда ёғочдан қўлланиш юқори босқичда», «Денгиз узра қаватлар». 10.10 «Бир стакан сув». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.15 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 11.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.55 Мультфильмлар программаси: «Мушукча Филя ва бир куни эрта билан», «Мушукча ва кучукча полни қандай қилиб ювдилар». 13.25 «Танглиқни юмшатишга қарши қаратилган маҳфий уруш». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.20 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 15.05 «Барадеро». Кубада фольклор куйлари халқаро фестивали 15.55 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». М. Сарьян. 16.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.10 «Талант». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. «Ихтироларнинг бутунжаҳон идораси».

18.20 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1951 йил». 19.15 РСФСР халқ артисти Эдита Пьеханинг Давлат марказий концерт залидан концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар» 20.45 «ГДР боғлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Подольск машинасозлик заводи «Ленок» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Нотаниш меросхўр». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Қурувчилар кунига. «Мукофот». Бадиий фильм. 11.35 «Ўзбекистон спорти». 12.05 «Қувноқ стартлар». 13.05 «Бизни танлайдиган роллар». Фильм-концерт. 14.10 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.). 14.40 Реклама.

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.25 «Бугун— Қурувчилар куни». 18.55 «Инсон ва табиат». Ҳаво атмосферасини муҳофаза қилиш муаммолари. 19.30 «Ахборот» (рус.) 19.45 «Баҳс». Ешлар учун аҳлоқий-этик мавзуда кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой». 22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Ватанга хизмат қилиб». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран—болаларга. 16.50 «Нафосат». Фильм-концерт. 17.05 Қурувчилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 18.20 «Новинки» киноклуби. 19.35 «Бинокор». Тележурнал. 20.05 Совет район «Тоо булаги» ансамблининг концерти. 21.30 МТ II.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

КИНО

31 ИЮЛДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЕШ ЙИЛЛИК ҚАЛДИРҒОЧИ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ДЕНГИЗ ОФИЦЕРЛАРИ» — **Восток.**

«РУС БАЛАЛАЙКАСИ» —**Искра.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА КОНТРОЛЬ ИШ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Хива** (22.00, телефон 32-78-02).

«МЕН БУТУНЛАЙ КЕЛДИМ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Ўзбекистон 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-81).

«БИЗ ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (ток соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«СЎНГГИ НАВБАТДА» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда телефон 24-22-66).

«ЎЛИК МАВСУМ» — **Фестиваль** (17. 20.00. телефон 32-78-02).

«АМИНИСТИЯ» — **Ғ. Ғулом номли** (17. 20.00, телефон 48-42-80).

1 АВГУСТДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЕШ ЙИЛЛИК ҚАЛДИРҒОЧИ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ПАРАНЖИ» — **Москва.**

«ҲАЁТНИ ЕНГИШ» — **Нукус.**

«СИОНИЗМ —СТРИТ» —**Восток.**

«РУС БАЛАЛАЙКАСИ» —**Искра.**

«ХАТО БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС» — **Лисунов номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА КОНТРОЛЬ ИШ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги номли** (телефон 53-65-87).

«МЕН БУТУНЛАЙ КЕЛДИМ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).

«ЎЗГАЛАР БАЗМИДА» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ЎЛИК МАВСУМ» — **Фестиваль** (11, 14, 17. 20.00, телефон 32-78-02).

«ЭКИПАЖ» — **С. Раҳимов номли** (18, 20.30).

Наманган область, Норин районидаги 1-ўрта мактаб томонидан **Умаров Раҳимберди** номига берилган 145694 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ГУВОҲНОМАСИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область Калинин районидаги 8-ўрта мактаб томонидан **Ризаева Замира Қурбоновна** номига берилган 030613 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ГУВОҲНОМАСИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ
ЁЗГИ ТЕАТРИДА

31 июль — 1 август соат 20.30да

Озарбайжонлик паҳлавон
ҚАЗБЕК МАГЕРРАМОВ
ва бўғма илонларни ўргатувчи артист
АНАТОЛИЙ СТОЙКОВЛАР
ИШТИРОКИДА

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТОМОШАЛАРИ
ПРОГРАММАДА: иллюзион ҳазиллар, масхарабозликлар ҳамда бўғма илонлар билан ҳар хил ўйинлар.
Касса соат 14.00 дан очиқ.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИНМАСИГА

поезд тузувчиларнинг ёрдамчилари, стрелка пости навбатчилари, ҳаракат тезлигини регулировкачилари, тепловозлар ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандчилар, юкларни қабул қилувчилар, машинист ёрдамчилари, шофёрлар, юкчилар, ҳамма касбдаги қурувчилар, инженер-техниклар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишчиларга меҳнат отпускаси даврида ўзига ва қарамоғидаги икки кишига бепул темир йўл билети берилади.

1-«УЗБЕКСВЯЗЬСТРОЙ» трестининг
АЛОҚА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

линия монтажчилари, кабелчи-қалайловчилар, станция монтажчилари.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ҳайдовчилар, двигателлар ремонти бўйича автослесарлар, автослесарлар, меҳнат ва иш ҳақи бўйича инженерлар, эксплуатация бўйича инженерлар, учёт бўйича инженер техниклар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

инженер-технологлар, мастерлар, бош бухгалтер ўринбосари, транспорт участкасининг катта мастери, токарлар, пармаловчилар, сайқал берувчилар.

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

стерженчилар, штамповкачилар, машинада қолиплаш бўйича қолипловчилар, қуюлмаларни қирқувчилар, металларни қирқувчилар, стропалчилар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-асбобсозлар, электр йиғувчилар, токарлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

МАРКАЗИЙ пункт —Пролетар кўчаси, 4- уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ район пункти —У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР район пункти — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ район пункти—Ш. Руставели кўчаси. 62-уй.
ҲАМЗА район пункти— М. Ҳасанов кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ район пункти— К. Маркс кўчаси. 59-уй.
КИРОВ район пункти —Энгельс кўчаси. 89-уй.
С. РАҲИМОВ район пункти —Қорасарой кўчаси. 270-уй.
А. ИКРОМОВ район пункти — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ район пункти — Спутник. 2-квартал, 69-уй.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

31 ИЮЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.50 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.20 Мультфильмлар. 19.00 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради. 20.00 «Кинопанорама». 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «МАСК» —«Динамо» (Тбилиси). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 22.45 Композитор А. Н. Пахмутованинг ижодий кечаси. Воронеждан олиб кўрсатилади 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.15 «Музикали киоск». 18.45 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1943 йил. 19.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ольга Берггольц поэзияси». 21.30 «Время». 22.00 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 18.00 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Ўзбекистон областлари ва ҚҚАССР болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. «Экранда — Сирдарё ёшлиги». 19.00 Ал-Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигига. «Ал-Хоразмийнинг географик тадқиқотлари». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оддий мўъжизалар». Цирк томошалари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳимов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Амалдаги интернационализм. «Ўзбекистон — Ноқоратупроққа». (рус.). 22.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент авиация техникуми коллективи техникум ўқитувчиси Н. С. Муродовга онаси

Шарофат МУРОДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: —33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

31 ИЮЛЬ, 1982 й. Р-03054. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.